

Булунғурда барпо этилаётган сув омбори 35,8 минг гектар далаларнинг сув таъминотини яхшилашга хизмат қилади — Фоторепортаж

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида янги сув омбори барпо этилаётганини биласизми? Kip.uz мухбирлари ишлар қизғин кетаётган объектда бўлишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди ва улкан қурилиш майдонидан фоторепортаж уюштиришди.



Муҳташам объект Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги «Самарқанд вилоятида Булунғур сув омборини қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 413-сонли қарори асосида, Зарафшон дарёси сув ресурсларидан фойдаланиш ва Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қурилмоқда.





Объект қурилиши «Самарқандқурилишинвест» ДУК буюртмаси асосида, «UzGIP» МЧЖ лойиҳаси билан қурилиш ишлари бош пудратчи — «Ўзсувқурилиштаъминот» республика бирлашмасига қарашли «Зарафшонмахсуссувқурилиш» ДУК томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 386,8 миллиард сўм бўлиб, ушбу маблағнинг 363,7 миллиард сўми қурилиш ва монтаж ишлари сарфланади. 2019 йилнинг майида бошланган қурилиш ишларини 2021 йилнинг ёзида тугаллаш вазифаси қўйилган. Айти пайтда ишлар графикдан ортда қолмаган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилмоқда.



Айни пайтда 267 нафар ишчи, 130 дан зиёд техника қурилиш ишларига жалб қилинган. Ишларни тезлаштириш, харажатларни қисқартириш мақсадида бетон заводи ҳам барпо этилган.



Чунончи, 31 август ҳолатига келиб 70,3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Биз борган чоғимизда сув омборнинг энг қуйи нуқтасида сув қўйиб юбориладиган қувурларнинг монтаж ишлари кетмоқда эди. Шунингдек тупроқ ишлари бажарилмоқда. Ўнлаб самосвалларга тупроқ юкланиб келинмоқда. Тўфон ости жойларида тупроқни зичлаш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Сув омбор қурилиши ҳудудда жойлаш аҳоли томорқалари ва далаларида сизот сувлари чиқмайдими, деб берган саволимизга қурувчилар ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби олингани, сизот сувларини қочириш мақсадида махсус дренаж коллекторлари аллақачон қазиб тайёрлаб қўйилганини кўрсатиб беришди.



Булунғур сув омборининг сиғими 100 миллион куб метрдан, унинг тўғонининг узунлиги эса 9,2

км.дан иборат бўлади. Қурилиш асносида 9100,0 минг метр куб тупроқ ишлари, 40,5 минг метр куб бетон ишлари ва 0,54 минг тонна арматура ва металл конструкциялар ўрнатиш ишлари амалга ошириш назарда тутилган.

| “Самарқанд вилоятида Булунғур сув омборининг қуриш” объекти паспорти | | |
|--|---|--|
| 1 | Буюртмачи: | Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлигига қарашли “Самарқандсувқурилишinvest” давлат унитар корхонаси |
| 2 | Бош лойиҳачи | “UZGIP” МЧЖ |
| 3 | Бош пудратчи | “Zarafshonmaxsussuvqurilish” давлат унитар корхонаси |
| 4 | Лойиҳанинг умумий қиймати | 386 344,293 млн. сўм |
| 5 | Қурилишни бошланиши | 2019 йил 18 май. |
| 6 | Қурилишни якунлаш муддати | 2021 йил 1 июль. |
| 7 | Сув омборининг қабул қилиш қобилияти | 100 млн.м3. |
| 8 | Тўғон узунлиги | 9200 м, баландлиги – 21 м |
| 9 | Сув ўтказгич иншоотидан сув чиқариш сарфи | 20 м3/сек., каналнинг узунлиги 5400 М. |
| 10 | Айланма каналнинг узунлиги | 9300 м. |
| 11 | Булунғур сув омборининг мақсади | Булунғур, Жомбой ва Пайарик туманларидаги 35,8 минг гектар суғориладиган ерларга сув билан таъминлайди. |
| 12 | Вазифаси: | Зарафшон дарёси, шунингдек ёрдамчи ва ёрдамчи объектлар иншоотларининг мавсумий оқимини тартибга олиш. |

Ушбу сув омбори ишга тушса Булунғур, Жомбой ва Пайарик туманларидаги 35,8 минг гектар мавжуд суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланади. Шунингдек, ушбу объект Зарафшон дарёси, бошқа ёрдамчи канал ва гидротехник тизимли иншоотларнинг мавсумий оқимини тартибга солади.

Ўйлаймизки, ушбу объектнинг Самарқанд вилоятидаги сувга ташна ҳудудларни боғу бўстон қилишда, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган далаларда ҳосилдорликнинг ошишига ҳиссаси катта бўлади.

Шухрат ШОКИРЖОНОВ, Kun.uz мухбири.

Фото муаллифи: Фахриддин ҲОТАМОВ.

манба: www.kun.uz